

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ**

**Кўлёзма хуқуқида
УДК: 336.221 (575.1)**

ГИЯСОВ САРВАР АЪЗАМОВИЧ


**ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ
МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини
олиш учун тайёрланган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: иқтисодиёт фанлари доктори - И.М. Ниязметов



Тошкент шаҳри – 2023 йил

1239

МУНДАРИЖА

I БОБ	Кириш	3
	ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	22
1.1	Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шакли ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги	22
1.2	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда соликларнинг роли ва солик механизмидан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти	47
1.3	Соликлар воситасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга оид илмий - назарий ёндашувлар	68
	Биринчи боб бўйича хуроса	87
II БОБ	ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ	89
2.1	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солик қонунчилиги таҳлили	89
2.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солик механизми орқали тартибга солиш амалиёти	106
2.3	Солик механизми воситасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилиш ҳолати	131
	Иккинчи боб бўйича хуроса	147
III БОБ	ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ	149
3.1	Корхоналар илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солик механизмининг таъсири	149
3.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни кўллаб-куватлашга қаратилган солик рағбатларининг баҳолаш услубиёти	168
	Учинчи боб бўйича хуроса	190
IV БОБ	СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	191
4.1	Солик механизмидан самарали фойдаланишнинг халқаро амалиётини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари	191
4.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда солик механизмидан самарали фойдаланиш йўллари	209
	Тўртинчи боб бўйича хуроса	231
	Хуроса	233
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	237
	Шартли қискартмалар	258
	Иловалар	259

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, ҳозирги кунда инновациялар нафақат алоҳида ташкилотларнинг ривожланишида, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда, ахолининг ҳаёт сифатини яхшилашда ва унинг фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. 46 макро технологияларга эга энг ривожланган еттига мамлакат бозорнинг 80 фоизини эгаллайди. Ҳар йили юқори технологияли маҳсулотлар экспортидан Кўшма Штатлар 740,0, Германия 530,0, Япония 410,0 млрд. АҚШ долларлар олади. Бугунги кунда юқори технологияли маҳсулотларнинг жаҳон бозори ҳажми 2,0 трлн. 300 млрд. АҚШ долларидан зиёд. Ушбу миқдорнинг 39 фоизи АҚШ, 35 фоизи Япония, 17 фоизи Германия ва 9 фоизи бошқа мамлакатлар маҳсулотлариdir¹.

Муваффақиятли инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куватлашнинг самарали тизими ҳисобланади. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда давлат ўз қўлидаги барча иқтисодий инструментлардан, жумладан фискал, тариф, пул-кредит, суғурта ва бошқа иқтисодий механизмлардан фойдаланади.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, жаҳонда ИТГКИ ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Франция, Бельгия, Голландия, Португалия, Греция, Канада, Ирландия, Корея, Япония ва Австралия каби мамлакатларда бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар 1996 йилда ИТГКИ ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ механизмларининг турли схемалари жаҳоннинг 20 та мамлакатлари томонидан фойдаланилган бўлса, 2019 йилда 50 дан зиёд, Иқтисодий

¹ Гутгарц Р. Д. В плена тренда «инновации» // Экономист. - 2019. - № 2. - С. 70-84.